

## “АРМОН АСИРАСИ” РОМАНИ БАДИЯТИ

Холмакмедова Нодира

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети  
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7314566>

*Annotation.* Мақолада Зулфия Қуролбой қизининг “Армон асираси” романи бадиий хусусиятларини таҳлил қилиши орқали ёзувчининг қаҳрамонлар характерини яратишдаги маҳорати, миллий романчиликка киритган янгилиги очиб берилган. Шу билан бир қаторда, “Армон асираси” романи мисолида мустақиллик даври ўзбек адабиёти романчилигидаги ўзгаришилар ва ўзига хос хусусиятлар ўрганилди.

**Калит сўзлар:** роман, бош қаҳрамон, образ, маҳорат, ўзига хослик, руҳият, характер.

## ЛИТЕРАТУРА РОМАНА “АРМОН АСИРАСИ”

*Annotation.* В статье на основе анализа романа «Пленница неисполненного желания» Зулфии Куралбай кизи раскрывается мастерство писательницы в воспроизведении характера и вклад в новшество национального романтизма. В дополнение к этому, примером романа «Пленница неисполненного желания» изучены изменения и специфические особенности прозы узбекской литературы в период независимости.

**Ключевые слова:** роман, главный герой, образ, мастерство, своеобразие, положение, характер.

## LITERATURE OF THE NOVEL “АРМОН АСИРАСИ”

*Abstract.* The article highlights the character creating skills and innovation on national literature of Zulfiya Kuralboy kizi on the example of novel “Captive of regret”. In addition, a novel “Captive of regret” is studied as the example with changes and specific peculiarities of prose in uzbek literature during the independence period.

**Key words:** novel, main hero, image, skill, peculiarity, mood, character.

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти жанрлар борасида шаклланган тасаввурларни бузиши, яратилаётган асарларнинг назарий қолипларга тушмаслиги билан характерланади. Зеро, ижод эркинлиги фақат “нимани ёзишга эмас, балки “қандай ёзишга” ҳам тегишилдири. Истаганидай ёзиш эрки ижодий тажрибалар ўтказиш имконини беради. Зулфия Қуролбой қизининг “Армон асираси” романи шу жиҳатдан ажralиб турадиган асаддир. Унда “романтик тафаккур” яққол сезилмайди. Асадда оддий одамларнинг оддийдан ҳам жўн ташвишлари акс этган. Романда миллат тарихи тараққиётининг ҳал қилувчи босқичидаги улкан ижтимоий воқеалар, сиёсий эврилишлар эмас, балки ўз мавжудлигини таъминлашгада ночор, кунини кўришгага зўр бериб уринаётган, аммо шуни ҳам уddaрай олмаётган кишиларнинг аянчли тақдирни тасвирланган.

“Армон асираси”да ўзлигини сақлаш, ўз қиёфасига эга бўлиш имконига эга бўлолмаган одам, уни ҳамиша турланиб-тусланиш, эшилишга мажбур этадиган вазият ва шу ҳолатда тирикчилик ўтказишга маҳкум шахсларнинг мавжудлигидаги фожиавийлик ва уларнинг сезимларидағи титрама жиҳатлар улкан хайриҳоҳлик билан тасвирланган. Айни

вактда, асарда ҳар қандай баттол шароит ҳам чинакам одамнинг шахсиятидаги ўзак сифатларни ўзгаририга олмаслиги акс этган.

Ушбу романда персонажларнинг табиати руҳиятларининг экстремал ҳолатларида энг яширин жиҳатларига қадар теран акс эттирилган. Асарда Зулфия Қуролбой қизи миллий адабиётимиз тажрибасида қарор топган романий тартибларга унчалик риоя этавермайди. Одатда, романда ҳаётдаги воқеаларнинг ижтимоий салмоққа эга, қаҳрамон табиатини очишга хизмат қиласидиганларини саралаб тасвирлаш талаб қилинади. Зулфия Қуролбий қизи эса воқеаларни муҳим-номуҳимга ажратмайди, қаҳрамонлари характерини ўта жўн, майда ва ҳатто, тубан майший воқелик фонида кўрсатишдан ҳам тап тортмайди. Бу хил ёндашув, кўп ўринларда, образларнинг ниҳоятини очишда адибага қўл келган.

“Армон асираси” асарида бош қаҳрамон деган атамага ҳар жиҳатдан мос келадиган образ йўқ. Романдаги бирор тимсолни ҳам йирик шахсият эгаси дейиш мумкин эмасдай. На асардан энг кўп жой олган Насиба, на умри фожиалар гирдобида ўтган Дониш, на прототипи муаллифнинг ўзи дейиш мумкин бўлган Ҳулкар Армон, на қисматга аччиқма-аччиқ яшаётган Беҳзод ва на ёвузлиги билан ҳамманинг кўнглига даҳшат солиб тургувчи Талгат нафақат ижтимоий ҳаётни ўзгаририга олади, балки ўз тирикчиликларини тузук йўлга қўя олишади. Уларнинг бирортаси ҳам қаҳрамон даражасига чиқолмаган кишилар. Шунчаки кун кечириш яшаш бўлмаганидай, тирикчилик ўпқонига ютилган одам қаҳрамон бўлолмайди. Кўраётган кунидан юксак бўла туриб, ўзига муносиб кун кўришни эплолмаган одам ҳам қаҳрамон саналмайди.

Ҳозирги кўпчилик романларда яланғоч мафкурадан ташқарида туришга интилиш кўзга ташланади. Бугун романчи ҳеч кимни ҳеч қандай гояга даъват қиласиди, йўл кўрсатмайди. У олдингидаги типик шароит ва умумлашма образларни эмас, исталган бир ҳолатдаги дуч келган майда ва қиёфасиз кимсаларни ҳам тасвир фокусига олаверади. Адиллар турғун характерлардан кўра, ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодалашга кўпроқ интилишади. Зоро, ҳозир ўзгаришлар тинимсизлигидан бошқа турғунлик йўқ.

Миллий романчиликда ожиз, кучсиз, азобларга маҳкум индивидларни тасвирлаш тамойили кучайиб бораётганлиги уларнинг китобийликдан қутулиб, ҳаётга яқинлашишига сабаб бўлмоқда. Чунки кеча бадиий эътибордан четда бўлган “кичкина одам”нинг кўнгил олами аслида бепоён экани англаб етилди. Инсоний тақдирларнинг эврилиши тарихи кўрсатмоқдаки, “катта” билан “кичкина” одам ўртасидаги оралиқ, кўпинча, бир қарич ҳам чиқмайди.

“Армон асираси” асарида фавқулотда ҳолатга тушган одамларнинг таранг руҳий ҳолатлари, шу аснода уларнинг табиатидаги рўй берган ҳиссий-маънавий эврилишлар маҳорат билан кўрсатилган. Жумладан, асарда йўқчилик туфайли ўзбек аёлининг ўзидағи эзгу сифатлардан айрилиб бориш жараёни таъсирли акс эттирилган. Маънавият жуда юксак тушунча, лекин у ўзгармас ва турғун ҳодиса эмас. Одамдаги маънавий сифатлар ҳаётнинг ўзида, унинг таъсирида шаклланади, ўзгаради, юксалади. Романда тўғри йўлга қўйилмаган ҳаёт одамнинг моддий ҳолатидагина эмас, балки маънавий-ахлоқий сифатларига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги билгичлик билан кўрсатилган.

Зулфия Қуролбой қизи тимсоллар моҳиятини ёрқин акс эттирадиган қирраларини яхши билади. Шунинг учун ҳам у Насибанинг руҳиятидаги эврилишни биргина овоз детали орқали тўлиқ кўрсата олган. Романда соддагина Насиба ўзини текширадиган, хатти-ҳаракатларини тафтиш қиласидиган ўй кишиси сифатида тасвирланади. Насиба

тимсолида адоксиз мاشаққат, сўнгсиз азоблар ҳам эзгуликка умид ва одамларга ишонч туйғусидан айиролмаган ўзбек аёли тасвирланади. Оиласи тинчлиги, болалари соғлиғи, эрининг хотиржамлигинигина ўйлайдиган бу аёл дунё муаммоларини ҳал этишни даъво қилмайди, шоҳона ҳаётни орзу қилмайди, одам қатори яшашнигина истайди, холос. У қаҳрамон ҳам, донишманд ҳам, буюк ҳам эмас. Лекин у одамнинг тириклиги фақат азоблардан иборат бўлиши мумкин эмаслигини билади, одамларга ишонади ва эзгу кунлар келишига чиндан умид қилади. Ана шу умиди уни улуғлайди. Зеро, шайтон ва унинг йўлидан кетаётганларгина умиддан маҳрумдирлар.

Асар бошида Насибанинг кунлик ҳаёти билан танишамиз. У ҳар қандай ўзбек аёли сифатида эрига садоқатли, меҳрли инсон сифатида гавдаланади. Бироқ асарда Насибанинг ўй-хаёллари ва кечинмалари, воқеаларга бўлган руҳий ҳолатлари тўлиқ ёритилмайди. Воқеаларга бўлган муносабатини эътиборга оладиган бўлсак, Насиба характери ҳам тўлиқ очиб ташланмайди. Ёзувчи хулоса чиқариш ва унинг руҳий ҳолатини англаб етишни китобхоннинг ўзига қолдиради. Биз асарни ўқир эканмиз, Насиба яқинда уч хонали уйни икки хонали уйга алмаштириб ўз қарзларини тўлашган, бироқ келажагини яратиш учун кўлида қолган пули етарли эмаслиги аёнлаша боради. Биз бу ҳолатларни Лола опа исмли аёлнинг Насибанинг уйига келиши ва ундан қарзини талаб қилиши орқали билиб оламиз. Насиба асар бошида ўз қарзларини тўлашга астойдил киришади. Ҳатто рўзғорини тебратиш учун эски кийимлар бозорига чиқиб савдо қилишга мажбур бўлади. Турмуш ўртоғи бор бўлса-да, бироқ Насиба унга суяна олмайди. Натижада унинг руҳиятида ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Қачонлардир эрини бутун жаҳонда ягона суянчиқ тоғ сифатида кўрган бўлса, аста-секинлик билан Донишга бўлган муносабати ўзгара бошлайди. Унинг ҳар доим ичиб келиши, рўзгор тебратиш учун қарзга ботиши, Насиба берган пулни ўғирлатдим деб уйига келиши Насибани буткул ўзгартиради. У бозорга чиқа бошлагандан сўнг эса Донишга умуман ишонмай қўяди. Уни қўлига пул беришни истамай қолади. Кейинчалик бу ишидан пушаймон бўлади ва қилган ишининг гуноҳи сифатида Талгат исмли бегона эркакни боқишга ўзини мажбур деб ҳисоблади.

Ёзувчи Насибанинг руҳий ҳолатини чизишдан кўра хатти-ҳаракатлари орқали унинг руҳий ҳолатини бера бошлайди.

“- Пулни... йўқотиб... қўйдингизми?...

*Корачиқлари кенгайиб кетган Насиба даҳшат ичидан пичирлади.*

- *Олдириб... қўйдим... - ерга қараганча мингирлади Дониш, хаёлида эса: “Чинданам куппа-кундузи тунаб кетди-ку, Жамишид!..” деган ўйни ўтказди.*

- *Шўрим қурсин...*

*Юзи қордек оқарган аёл деворга беҳол суюнди. Бир дақиқадан кейин пешонасида реза-реза тер томчилари пайдо бўлиб, лаблари атрофи кўкариб тез-тез, қисқа-қисқа нафас ола бошлади”*(3, с. 55).

Ушбу парчадан кўриниб турибдики, Насиба охирги қолган пулларини Донишга берган, бироқ Дониш ҳар сафаргидек Насибани алдайди. Насибага эса бу охирги томчи бўлиб қўйилади ва бу ҳолатни бошқа кўтара олмайди. Шу сабаб унинг аҳволи ўзгаради.

Ранги оқариб тез-тез нафас ола бошлайди. Ўзини ёмон хис этади. шу аҳволда ҳам

Донишга ҳеч қандай сўз айтмайди. Тонгга яқин аҳволи бироз яхшиланади ва аёл ўз ишлари билан банд бўлади. Адиба аёлнинг аҳволини кўрсатиш учун ҳам мимикадан

унумли фойдаланади. Ўқувчи эса ўз навбатида Насибанинг аҳволини қўз олдида жонлантира олади.

Олдин асарлардаги адабий тимсоллар ўз номига мувофиқ тарзда тимсол бўларди. Яъни бадиий асарда тасвирланган персонаж кимларнингдир умумлаштирилган образи, қандайдир ижтимоий қатламнинг вакили саналарди. Эндиликда адабий образ фақат ўзининг тимсоли, фақат ўзининг вакили холос! Бадиий асарда одамни тўданинг вакили эмас, битта ва бетакрор шахс сифатида акс эттириш, унда бирор ижтимоий қатламга хос хусусиятни эмас, балки ёлғиз унгагина тегишли яхши-ёмон сифатларни тасвирлаш шу хил эстетик натижага олиб келди.

Бу жиҳатдан Дониш тимсоли жуда характерлидир. Уни тушуниш ва ёқлаш қанчалар қийин бўлса, қоралаш ва рад этиш ҳам шунчалар мушкул. Бу персонаж табиатини белгилашда ёзувчи позициясининг ноаниқлигидан эмас, балки асарда одам табиатидаги ўзгарувчанлик ва барқарорликнинг тўғри кўзда тутилганидандир. Гарчи, романда Донишнинг ўтмиши бир қадар ёркин рангларда эсланса-да, аслида табиатидаги бетайнлик, ожизлик, қийинчиликларга бетоқатлик унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида уч бериб туради. Адиба шу тимсол мисолида ўзгани туймоқ ва тушунмоқ билан унинг учун биргина амалий қадам қўймоқ ўртасида чексиз масофа борлигини кўрсатади.

Асарни ўқиши жараённида Дониш олий маълумоти бўлса-да, боши берк кўчага кириб қолишига сабаб бўлган воқеалар замирига англай бошлаймиз. Дониш қачонлардир инженер бўлиб ишлаган, бироқ заводнинг банкрот ҳолатига келиши сабабли у ишини ташлаб чиқиб кетишига мажбур бўлган бўлса, иккинчи ҳолатда ўғли Фаррухнинг оёғи синиб шифохонага ётиши ва унинг соғлигини тиклаш учун анча қарзга ботиши билан белгиланади. Бундан ташқари унинг оғир аҳволда қолишига бузук машинани олиб кун кўриш учун ҳаракат қилишида ҳам кузатса бўлади. Дониш ҳар доим оғир аҳволга тушса ҳам ундан керакли хулоса чиқара олмайди. Натижада кундан кунга аҳволи оғирлашиб ҳеч қандай ишга ярамайдиган, бирор сўм қўлига тушса пивоҳўрликка чопадиган одамга айланади.

Дониш шу аҳволга етадики охир-оқибат ўзининг ёлғонига ўзи ҳам ишона бошлайди. У Насибага рўйи-рост, бор ҳақиқатни айта олмайди. Яъни, ишдан кетганлиги ва бошқа ишга жойлаша олмаганлиги, бекорчи инсонга айланганлиги кабилар. Бир ёлғон иккинчи ёлғонни етаклайди. Натижада охирги пулларидан ҳам айрилади.

Қисмат ва инсон муносабати ҳақидаги баҳс романнинг бошидан охиригача давом этади. Асаддаги ҳар бир қаҳрамоннинг тақдирни ўша муносабатларнинг бирор йўсинда намоён бўлишидир. Роман қисматни кутиб ётишини эмас, балки уни муносиброқ қилиш учун тинимсиз интилиш, қийинчиликлар оғушида тозариш кераклигига ўқувчини ишонтира олади.

“Армон асираси”да миллий романчиликка янгилик бўлиб қўшиладиган жиҳатлар анчагина. Зухра, Талгат, Насиба, Ҳулкар ва айниқса, Дониш каби персонажларни ўзбек адабиётидаги янгилик дейиш мумкин. Худди ҳаётдаги ва қисматдаги каби бу образларнинг тутумларини ҳам олдиндан башорат қилиб бўлмайди.

Зулфия Қуролбой қизининг романи ижтимоий роман эмас, чунки у қатламни эмас, шахсни тасвирлашни мақсад қилиб қўйган. Одам алоҳида бир қадрият эмас, балки шунчаки ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи даражасига тушган шароитда унинг қизиқишу интилишлари ҳам майдалашиб кетиши асарда таъсирли акс эттирилган. Одам ҳақида

шафқатсизлик билан айтилган мәхр қўшиғи бўлмиш бу роман етилган яранинг йирингларини ситиб чиқариши зарурияти каби мажбурий аёвсизлик маҳсули бўлган битикдир. Адоқсиз инсоний дардлар ҳақида шавқ билан ёзилган мазкур асар ҳар бир ўқувчини ўз хатти-ҳаракатлари ҳақида ўйлашга ундейди.

**REFERENCES**

1. Жаҳон адиллари адабиёт ҳақида. –Т.: Маънавият, 2010. 127-бет.
2. Йўлдошев Қ. Ёник сўз. -Т.: Янги аср авлоди, 2006 й. 130-131-бетлар.
3. Қуролбой қизи З. Армон асираси. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2009. – Б. 301.